



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Исламова Малика Илёс қизи

Мустақил тадқиқотчи

islamovam326@gmail.com

+998977271302

Аннотация: Ушбу мақолада озиқ-овқат хавфсизлигининг назарий асослари, унинг миллий хавфсизлик тизимидаги ўрни ҳамда жаҳон ва Хитой тажрибаси асосида долзарб масалалар ёритилган. Глобал иқлим ўзгаришлари, табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва халқаро озиқ-овқат бозоридаги нарх тебранишлари шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон тажрибаси ва Хитой модели асосида истиқболли таклифлар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, глобал иқлим ўзгариши, миллий хавфсизлик, Хитой тажрибаси, импорт, экспорт, протекционизм.

Аннотация: В статье исследуются теоретические основы продовольственной безопасности, её роль в системе национальной безопасности, а также актуальные вызовы в условиях глобального изменения климата, ограниченности природных ресурсов и колебаний мировых цен на продовольствие. Особое внимание уделяется опыту Китая и практическим рекомендациям для Узбекистана.

Ключевые слова: продовольственная безопасность, изменение климата, национальная безопасность, опыт Китая, импорт, экспорт, протекционизм.

Abstract: The article examines the theoretical foundations of food security, its role within the national security system, and the pressing challenges arising from global climate change, limited natural resources, and fluctuations in world food prices. Special emphasis is placed on China's experience and practical recommendations applicable to Uzbekistan.

Keywords: food security, climate change, national security, China's experience, imports, exports, protectionism.

XX охири XXI аср бошидан жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бўлган талаб ошди. Жумладан, инсонларга юқори даражада турмуш ҳаётини ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни таъминлаш каби муаммолар вужудга келди. Шуниси эътиборлики, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш инсоният олдида жуда қийин ва турли вазифаларни кўядики, уни таъминлашда алоҳида миллий давлатнинг имконияти мавжуд эмас.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг (БМТ) маълумотларига кўра, аҳоли сони йил сайин ортиб боради ва 2050 йилга келиб, ҳозирга қараганда дунё аҳолисининг сони 2 миллиард кишига ортади ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби эса 70 фоизга



ўсади[1]. Ундан ташқари, иқлимнинг ўзгариши озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришга салбий таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ер юзида иқлим ўзгаришининг натижасида юз бераётган табиий офатлар, ерларни суғориш учун сув танқислиги, қурғоқчилик каби вазиятлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қийинлаштирмоқда. Оқибатда дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-наво кўтарилиб бормоқда. Жаҳоннинг 54 мамлакатада оилалар моддий аҳволи даражасининг пасайиши кузатилгани, 20 дан зиёд давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналаётгани, 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриши қисқаргани, сўнгги йилларда дунё аҳолисининг 840 миллиондан ортиғи очликдан азият чекаётганлиги бунинг яққол далилидир[2].

Умуман олганда, *озиқ-овқат хавфсизлиги* – мамлакат аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан соғлом ҳаёт тарзи учун зарур бўлган миқдорда узлуксиз таъминлаш жараёнидир.

Тадқиқотчи Ю.Т. Додобоевнинг фикрича, озиқ-овқат хавфсизлиги – аҳолининг барча қатламларини соғлом ва фаол ҳаёт кечиришлари учун жисмоний, ижтимоий, иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг истеъмол эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш, хавфсизлик кўрсаткич меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш, юқори озукавий қийматга эга озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш шароитларини кафолатловчи давлатнинг иқтисодий ҳолати[3] ҳисобланади.

Бошқа таърифга кўра эса, *озиқ-овқат хавфсизлиги* – миллий хавфсизлик тизимининг муҳим элементи сифатида ўз мазмун моҳиятига кўра, инсоннинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини, инсон соғлиги учун зарур бўлган физиологик асосланган рационларда ва унда кўзда тутилган миқдор ва сифат даражасидан келиб чиққан ҳолда таъминлашни, уни сифатсиз маҳсулотлардан химоя қилишни, шунингдек қишлоқ хўжалиги учун ташқи бозорга чиқишни ташкил этишни билдиради[4].

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг таърифига кўра *озиқ-овқат хавфсизлиги* – бу аҳолининг барча қатламларини белгиланган меъёрлардан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти бўйича аниқ фаолият олиб борадиган тизимдир. Бу эса, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан биринчи навбатда ички ресурслар ҳисобига, бундай имкониятлар чекланган ҳолларда эса импортни рационаллаштириш ҳисобига таъминлаш назарда тутилган[5].

Айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасининг ягона таърифи мавжуд эмас ва кўплаб тадқиқотчилар «озиқ-овқат мустақиллиги», «озиқ-овқат муаммоси», «озиқ-овқат таъминоти» каби талқинларда ўзларининг тузатишлари ва кўшимчаларини киритиб келмоқдалар. Шу жиҳатдан, озиқ-овқат хавфсизлиги назарияси ҳозиргача тўлиқ ёритиб берилмаган ҳамда унинг моҳиятини тушунтириш бўйича турлича ёндашувлар мавжуд. Е.В. Серованинг фикрича, озиқ-овқат хавфсизлиги меъёрий ҳаёт тарзини ўтказиш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолининг асосий қисмини таъминлаш даражасини билдиради[6]. В.С. Балабанов ва





Е.Н. Борисенколарнинг фикрича, озиқ-овқат хавфсизлиги – ишлаб чиқарилган маҳсулотларни соғлиқ учун безарарлигини таъминлаган ҳолда мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган талабини муайян даврда истеъмол ва захираларни яратиш асосида қондирилишини кафолатлашдир[7]. К.В. Фролов, А.В. Гордеев, О.А. Масленникова ва бошқа тадқиқотчилар томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига қуйидагича таъриф берилади: мамлакат фуқароларини ҳаётини зарур ва фойдали озуқа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини керакли ҳажм ва ассортиментда ўз манбалари орқали таъминлашдир[8]. А.А. Анфиногентова, О.В. Ермолаева, Н.А. Киреева ва бошқалар ўз тадқиқотларида озиқ-овқат хавфсизлигини аниқлаш мумкин бўлган қуйидаги 3 та иерархик даражага эътибор қаратади[9]:

- глобал озиқ-овқат хавфсизлиги аҳоли жон бошига тўғри келадиган буғдой захираси ва уни ишлаб чиқариш ҳажми билан изоҳланади;
- давлат даражасидаги озиқ-овқат хавфсизлиги миллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг импортга нисбати, озуқа маҳсулотлари истеъмолида импортнинг улуши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал даромад ва озиқ-овқат маҳсулотлари баҳоларидаги ўзгаришлар билан аниқланади;
- минтақавий озиқ-овқат хавфсизлиги аҳоли даромадлари ва озиқ-овқат истеъмоли ҳажми ҳақидаги маълумотлар орқали ўлчанади.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, озиқ-овқат хавфсизлиги биринчи навбатда инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлайдиган ижтимоий йўналишни акс эттиради. Ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотлар ва мамлакатлар иқтисодиётидаги кескин ўзгаришлар иқтисодий барқарорлик стратегияси вазифаларини чуқур таҳлил этиш ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Давлатнинг барқарор иқтисодий ривожланиши миллий сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш орқали уни ижтимоий ҳимоя қилишни асосий мақсад қилиб қўяди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчи давлатлар учун энг маъқул иқтисодий йўлни қуйидагича белгилаш мумкин:

- мамлакатда импорт тартибини эркинлаштириш ва буғдой учун импорт божини бекор қилиш;
- буғдой экиладиган майдонларда ҳосилдорликни имкон даражасида ошириш;
- товар хом ашё биржаси орқали буғдой нархи аниқланиб, фьючерс шартномаларини тузиш амалиётига ўтиб, давлат томонидан қатъий монополи баҳода сотиб олиш амалиётидан воз кечиш;
- нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий рағбатлантириш;
- монополияга қарши тартибга солувчи қонунларни мукамаллаштиришдан иборат. Бизнинг давлатимизда юқорида зикр этилган озиқ-овқат маҳсулотлари турларидан ташқари, ҳар хил мева, сабзавот ва узум ҳам стратегик аҳамиятга молик бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибига киради.

Уларга эътиборнинг кучайтирилиши:

- биринчи навбатда, аҳолининг биологик эҳтиёжини қондириб, соғлом авлод шаклланишига ва турмуш даражасининг кўтарилишига ўз ҳиссасини қўшади;
- иккинчи навбатда, бу турдаги маҳсулотларни энг кўп экспорт қилувчи давлат сифатида мамлакат валюта хазинасини оширади;
- учинчи навбатда, у ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ечишга кўмаклашади;
- тўртинчи навбатда, маҳсулотлар қайта ишланганда мамлакат стратегик захирасини ташкил қилиб, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамият касб этади;
- бешинчи навбатда, бу тармоқ ёрдамида экологик мутаносиблик таъминланиб, ер юзида содир бўлаётган салбий оқибатларга барҳам беришга кўмаклашади.

Айтиш лозимки, нафақат инсон ҳаётида, балки мамлакатнинг ривожланишида озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи жуда муҳим ҳисобланади. Чунки у инсонларнинг соғлом бўлишига, узок умр кўришига, турли юқумли касалликларни олдини олишга ва улардан ҳимоя қилишга бевосита ёрдам беради. Хитой озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта тажрибага эга ҳисобланиб, мамлакатимизда ушбу йўналишда қуйидаги тадбирларга эътибор қаратиш лозим:

- Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича илм-фан ва инновацион технологияларнинг сўнгги ютуқларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;
- ХХРда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича давлат томонидан берилаётган имтиёзлар ва қўллаб-қувватлаш механизмларини тадқиқ этиш ва илғор тажрибаларини мамлакатимизга жорий қилиш;
- мамлакатимизда ғаллачилик кластерлари ва фермерларига ғалла етиштириш, йиғиб олиш ва уни сотиш жараёнларида юзага келаётган муаммоларни тизимли ўрганиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. Мазкур тадбирларни амалга оширилиши Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 2050 йилда дунёнинг энг кўп аҳолига эга бўладиган давлатлари (2007) // <https://ziyouz.uz/ajoyibotlar/2050-yilda-dunyoning-eng-kup-aholiga-ega-buladigan-davlatlari-2007/?ysclid=lv1b5tnjso91929884> (мурожаат қилинган сана 2024 йил 24 май).
2. Медянская О. А., Романов Д. А. Критерии и показатели оценки продовольственной безопасности // Общество: политика, экономика, право. №1. – 2016. – С. 36-38.
3. Додобоев Ю.Т. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мамлакатимизнинг долзарб масаласи // International scientific journal science and innovation special issues. №. ISSN 2181-3337. – 2024. – Б. 39-44.



4. Сенчагов В.К. Экономическая безопасность России. № 6. – М.: Дело, 2005. – 896 с.

5. Намозов А. Аграр соҳада инвестициялардан унумли фойдаланиш-давр талаби // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. №6. – Тошкент, 2009. – Б. 29-35.

6. Серова Е.В. К вопросу о продовольственной безопасности // Круглый стол по вопросам продовольственной и аграрной политики. – М.: Московское представительство, №1. – 1996. – С. 15-19. // <http://www.iet.ru/> (мурожаат қилинган сана 2024 йил 24 октябрь).

7. Балабанов В.С., Борисенко Е.Н. Продовольственной безопасности: международные и внутренние аспекты. – М.: Экономика, 2002. – 548 с.

8. Фролов К.В., Гордеев А.В., Масленникова О.А. и др. Безопасность России. Раздел 2. – М.: Знание, 2001. – 466 с.

9. Анфиногентова А.А., Ермолаева О.В., Киреева Н.А. и др. Продовольственной безопасности России: проблемы и перспективы // М.: Издательство Саратовского государственного аграрного университета, 2004. – С. 14-22.